O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 10 апрель ШАНБА

№ 28 (12.248)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ



## ИЗЛАНИШЛАР САМАРА БЕРДИ

**Мамлакатимиз раҳбарининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида белгилаб берилган йўл-йўриқларга амал қилаётган ўртачирчиқлик фермер Тўлқин Комилов аввало, моллар наслига алоҳида аҳамият бериб, Голландия, Россия ва Америкадан келтирилган маҳсулдор молларни парваришламоқда.**

– 2001 йил 100 бош қорамол билан фермер хўжалигини ташкил қилгандик, – дейди фермер. – Ҳозир хўжалигимизда 900 бошдан зиёд қорамол бор, қўй-эчкилар ҳам 5000 дан ошди, бундан ташқари 250 бошдан ортиқ йилқи ҳам боқмоқдамиз. Хўжалигимиз асосан наслчиликка ихтисослашган бўлиб, Америкадан олиб келинган "Вилонгир" зотли қора-ола наслли молларни кўпайтиряпмиз.

**СУРАТДА:** сут соғувчилар Гулчеҳра Темирова ва Сайёра Бекмуродова.

(Давоми 2-бетда).

## СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

**Миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз, айниқса ёш авлодни буюк аждодларимизнинг бой меросидан баҳраманд этиш, ўғил-қизларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар қилиб вояга етказишда бобомиз Амир Темурнинг ҳаётий ўгитлари муҳим ўрин тутади. Соҳибқирон таваллудининг 674 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.**

Анъанага кўра пойтахтимизнинг Амир Темур номи билан аталувчи ҳамда бугунги кунда янада кўркам ва фусункор қиёфа касб этган хиёбон 9 апрель куни эрталабданоқ вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият юритаётган элчихоналар вакиллари, олимлар, ижодкор зиёлилар, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар билан гавжум бўлди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али, Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Руперт Жой, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида демократик, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, юрт келажаги бўлган ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳияти, эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш юзасидан амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида маънавий-маърифий ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бунда миллий ўзликни англаш, умрбоқий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш, янада равнақ топтириш, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, тарғиб этиш орқали ёшлар тафаккурини, маънавиятини бойитиш билан боғлиқ масалалар муҳим ўрин тутади.

Соҳибқирон Амир Темур улуғлаган, ўзининг ҳаёт мазмунига айлантирган эзгу ғоя ва тамойиллар бугунги кунда юртимизда тадрижий, чуқур илмий асосланган, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотларга ҳамоҳанг экани билан ҳам аҳамиятлидир. Миллий давлатчилик асосларининг мустаҳкамланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг қарор топиши, барқарор тараққиётни таъминлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар қалби ва онгига ватанпарварлик, фидойилик, Ватан келажаги учун дахлдорлик, маънавий бедорлик, огоҳлик ва ҳушёрлик туйғуларини чуқур сингдириш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, маънавий-маърифий соҳаларни изчил ривожлантириш борасидаги ибратли ишлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

Мардлик ва жасорат, саховат ва мурувват тимсоли бўлган Амир Темур ҳаёти, фаолияти, маънавий мероси, жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни ва аҳамияти дунёда кенг ўрганилмоқда. Бу Амир Темур ғояларининг нечоғли ҳаётбахш ва долзарб экани баробарида Ватанимиз тарихи, бетакрор маданиятимиз, маънавиятимизга бўлган қизиқишнинг халқаро миқёсда ортиб бораётганидан далолатдир.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Бош вазир ўринбосари А. Орипов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида "Темурийлар даври ренессанси" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Таниқли олимлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этган тадбирда Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон цивилизацияси, тарихи, маданияти ривожида тутган ўрни, буюк аждодларимиз ибратли ҳаётининг ёшлар тарбияси ва маънавиятидаги аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди.

Музейда таниқли мусаввир ва талаба-ёшларнинг ижод намуналаридан иборат бадиий кўргазма ташкил этилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

## «АСРЛАР САДОСИ» ХИВАДА

**Жорий йилнинг 8-9 май кунлари Хива – Ичан-Қалъа тарихий меъморий обидасида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали ўтказилади.**

Айтиш жоизки, "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали илк бора Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида, иккинчи бор эса вилоятимизнинг Оққўрғон ва Бўстонлиқ туманларида ўтказилган эди.

**"Туркистон-пресс".**

ПИЛЛА – 2010

**Бу йилги мавсумда вилоят пиллакорлари 1545 тонна хом ашё етиштириш юзасидан шартнома тузишган. Пилла мўл ва юқори сифатли бўлиши туманларда ташкил этилган инкубаторияларда қурт уруғи юқори агротехника талаблари асосида жонлантирилишига ҳамда фермер хўжаликларига ўз вақтида тарқатилишига боғлиқ.**



## МАВСУМГА ҲАММА НАРСА ШАЙ

Шу муносабат билан вилоят ҳокимлиги ва "Фозил Мусаев" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида семинар ўтказилди.

Тадбирга туманлардаги уруғ очирувчилар, хотин-қизлар қўмиталари раислари, пиллахона раҳбарлари таклиф қилинди. Йиғилишда Тошкент вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Бектемир Иброҳимов ва вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева сўзга чиқдилар.

Семинарда ўтган йилги мавсумда йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг сабаблари муҳокама қилинди. 2010 йилда бу хатоларни такрорламаслик юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Семинар сўнгида туманнинг илғор инкубистларига вилоят ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

МУЛОҲАЗА

**Меҳнат инсонни тарбиялайди, улуғлайди. Аммо меҳнат самарали бўлиши учун етарли шароит керак. Шунда одамлар саломатлигига путур етмайди, ишда ҳам унум бўлади.**

## ИНСОННИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

Табиийки, касбларнинг яхши-ёмони бўлмайди. Ҳар ким ўз билими, қизиқиши, маълумоти ва соғлиғига мос касбни танлайди. Аммо киши саломатлиги учун зарарли касблар ҳам йўқ эмас.

Вилоятимизда саноат корхоналари нисбатан кўп. Уларнинг айримларида ишчилар соғлиқ учун зарарли шароитларда меҳнат қилишади. Масалан, ёпиқ ва чуқурликдаги конларда ишловчилар қон-томир ва руҳий касалликларга мойилликни келтириб чиқарувчи юқори босим, ўпка ва нафас йўлларига зарар етказувчи чанг-тўзон, баъзи жойларда эса бутун организмга ёмон таъсир қилувчи нурланиш ва электромагнит тўлқинлар таъсирида бўлишади. Айтайлик, босмахона ходимлари қўрғошин ва бошқа кимёвий моддалар таъсири остида ишлашади. Бу каби шароитда юзага келувчи хасталиклар касб касаллиги, деб аталади.

Албатта, бундай корхоналарда ишловчилар мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Лозим бўлганда даволаниш ёки бошқа зарарсизроқ ишга ўтиш тавсия этилади.

Республика ҳукумати саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ишловчи меҳнаткашлар учун қулай, безарар иш шароити яратилиши ва санитар-соғломлаштириш тадбирларига катта эътибор қаратиб келмоқда. Зарарли шароитда ишловчи меҳнаткашлар орасидаги турли касб касалликларини вақтида аниқлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2000 йил 6 июнда "Меҳнаткашларни ишга қабул қилишда ва мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳақида" махсус буйруқ эълон қилди. Ҳозиргача шу асосда ўн минглаб меҳнаткашлар малакали тиббий кўрикдан ўтказилди.

Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг заҳарли химикатлар гигиенаси бўлинмаси мудири Насиба Бойматованинг маълум қилишича, вилоятимизда 1354 та иншоот назоратга олинган бўлиб, уларда 225 мингдан зиёд ишчи меҳнат қилади. Уларнинг 120 мингга яқини зарарли меҳнат шароитларида ишлайди. Улар орасида касб касалликлари юзага келишининг олдини олиш мақсадида вилоятнинг ҳудудий тиббиёт муассасалари томонидан 70 мингдан ортиқ киши тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг муҳим жиҳати шундаки, кўрикда турли касалликлар ўз вақтида аниқланиши билан бирга, ташҳис қўйилган беморларга соғлиқларини тиклаш учун санаторий ва дам олиш уйлари ҳамда шифохоналарга йўлланма берилади.

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

## ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ОСОНМАС

**Вилоят ҳокимлиги йўловчи транспорти барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ташкил этаётган очиқ тендер савдолари туман ва шаҳарларда ўнлаб янги йўналишлар очилишига замин яратди. Энг муҳими, хусусий йўловчи транспорт тизими шаклланди.**

Бугун Тошкент шаҳрини вилоят туман ва шаҳар марказлари билан боғловчи йўналишларда 625 та "Исузу" русумидаги автобуслар ҳаракатланмоқда. Январь ойида вилоят йўловчи ташиш транспорти корхоналари давлатга 1 миллиард 883 миллион сўм нақд пул топширган бўлса, март ойида бу рақам 2 миллиард 409 миллион сўмга етди.

Агар шаҳар ва туманлардаги айрим йўловчи ташиш автокорхоналари нақд пул тушуми режасини барбод қилмаганида натижа янада юқори бўлиши мумкин эди.

Вилоят ҳокимлигида йўловчи транспортлари томонидан нақд пул тушумини кўпайтириш масаласига бағишлаб ўтказилган йиғилишда бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилди. Унда вилоят ҳокимлиги йўловчи транспорти барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти, туман ва шаҳар ҳокими ўринбосарлари, хусусий йўловчи транспорти корхоналари раҳбарлари ҳамда тегишли идора вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Содиқ Абдуллаев олиб борди.

Тадбирда транспорт уюшмаларида пул тушумининг аҳволи муҳокама қилинди. Бўка, Оққўрғон, Чиноз, Янгийўл, Қуйичирчиқ туманлари ҳамда Янгийўл шаҳридаги айрим йўловчи транспортларининг пул тушуми қониқарли эмаслиги таъкидланди.

– Хусусий автокорхоналар эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратилди, уларга катта ишонч билдирилди, – деди Содиқ Абдуллаев. – Аммо, тадбиркорлар орасида ишончни оқлаш у ёқда турсин, уни суиистеъмол қилаётганлари ҳам йўқ эмас. Бўка туманидаги "Автолайн" хусусий корхонаси кунига бир йўналиш бўйича 2 минг 600 сўм, Оҳангарон туманидаги "Матонат" масъулияти чекланган жамият эса 2 минг 700 сўм пул топширганини қандай изоҳлаш мумкин? Бундай ноxуш манзара қатор туман ва шаҳарларда кузатиляпти.

Йиғилишда Олмалиқ шаҳридаги "Райҳон", Бўстонлиқ туманидаги "Оқтепа-Ғазалкент", Бекобод туманидаги "Дилшод транс", Оққўрғон АТП, Янгийўл туманидаги "Ҳамкор сервис", "Автохизмат", Чиноз туманидаги "Чиноз оқ той", "Давр", "Чиноз Авто Плюс", Паркент туманидаги "Сўқоқ Автойўл", Қуйичирчиқ туманидаги "Хилол сервис" корхоналарида ҳам нақд пул тушуми қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилди.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ КЕЧА

## АДАБИЁТ ҲАМИША БАРҲАЁТ



**СУРАТДА:** ижодкорларнинг китобхонлар билан учрашуви самимий мулоқотларга бой бўлди.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**"Халқимиз адабиётни муқаддас ва улуғ бир даргоҳ деб билади", дейилади Юртбошимизнинг "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" номли рисоласида. Чиндан ҳам, адабиёт халқнинг маънавий қиёфасини акс эттирадиган мўъжизавий кўзгудир.**

Шу боис мустақиллик йиллари мамлакатимизда адабиётга ғамхўрлик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугун комил ишонч билан айтиш мумкинки, адабиётнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳеч бир замонда бу қадар шарафли ва юксак мавқега кўтарилмаган. Ушбу эътиборнинг давоми сифатида Президентимизнинг "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унда ўзбек адабиётини янада юқори даражага кўтариш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Бу фикрлар Қибрай туманидаги "Ботаника" сиҳатгоҳида "Инсоннинг маънавий камолотида адабиётнинг ўрни ва аҳамияти" мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий кечада ўртага ташланди. Сиҳатгоҳ дам олувчилари ва ходимлари ҳузурида ташкил этилган кечада иштирок этган республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, Ўзбекистон халқ шоири Олимжон Холдор, таниқли шоир Эркин Самандар, Давлат мукофоти лауреати Омон Мухтор, адабиётшунос Раҳмон Қўчқор адабий жараён, янги асарлар, бугунги маънавий юксалиш даврида ижодкорлар олдида турган долзарб вазифалар, шунингдек, иқтидорли ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик хусусида мулоҳаза юритдилар. Қизғин мушоҳадалар мухлислар билан самимий савол-жавобларга, ҳароратли мушоирага уланди. Ижодкорлар айни пайтда яратаётган асарлари ва келгусидаги ижодий режалари ҳақида гапириб бердилар.

– Дарҳақиқат, бугунги маънавият кечаси жуда самимий руҳда ўтди, – деди тадбирда сўз олган вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Суяр Қурбонқулов учрашув иштирокчиларига миннатдорчилик билдираркан. – Бу халқимизнинг адабиёт, санъат билан ҳамиша ҳамнафас одимлаётгани, ижодкорлардан доимо янги бир фикр, янги ғоялар акс этган умрбоқий асарлар кутиб яшаётганини англатади.

Кеча иштирокчилари бундай самимий учрашувларни вилоятнинг турли туман ва шаҳарлари бўйлаб тез-тез уюштириб туришга келишиб олишди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

Спорт

## КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

**Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида ўсмирлар ўртасида теннис бўйича нуфузли халқаро турнирда бош соврин учун курашаётган кучли спортчилар сараланмоқда.**

Ўсмирлар ўртасида чорак финал йўлланмасига ўтказилган беллашув ўзбекистонлик Артём Тарасов учун омадли якунланди. Молдовалик Максим Дубаренкога қарши кортга чиққан ҳамюртимиз учрашувни 6:3, 6:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Қизлар мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган теннисчилардан икки нафари беллашувларни давом эттирадиган бўлди. Нигина Абдураимова россиялик Ирина Глимаковани 6:3, 6:0 ҳисобида енгди. Сабина Шарипова эса Беларусдан келган Лидзия Морозова билан ўйинни 6:2, 7:5 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

## ХИТОЙ РИНГИДА

**Хитойнинг Гуйаян шаҳрида бокс бўйича ўтказилаётган "China Open" халқаро турнирида мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Россия, Куба, Ҳиндистон, Хитой Тайпейи, Япония, Мўғулистон, Италия каби ўндан зиёд мамлакатдан келган кучли чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун куч синашмоқда.**

Ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиси – 48 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда қатнашаётган Алишер Маҳмудов чорак финал учрашувида хитойлик Юан Гуан Ксюни 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Вазни олтмиш тўрт килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари баҳсида Камолиддин Аҳмедовнинг жанги ҳам кўплаб мухлису мутахассисларга манзур бўлди. Кучли техника, мустаҳкам ҳимоя ва тезкор зарбага эга моҳир спортчимиз Шри-Ланка вакили Сисира Кумарасингхдан 10:0 ҳисобида устун келиб, ярим финалга йўлланма олди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари 10 апрель куни аниқланади.

**ЎзА.**

АЁЛ ҚАЛБИ

**Саҳифамиз меҳмони: Тоҳира Исмоилова – Янгийўл туманидаги вилоят "Кичкинтой" болалар меҳрибонлик уйи бош шифокори. Унинг ташаббуси билан "Ҳар бир болага – оила" концепцияси ишлаб чиқилган.**

**Тўғри, оиласи бут, фарзандлари бағрида бўлган ота-онага ёки болаларга бу сўзлар эриш туюлар. Ахир бола оилада тарбия топади-да. Лекин, ҳаётда шундай тақдирлар борки, улар ҳақида эшитиш аянчли.**



## ОНАСИНИ СОҒИНИБ ЯШАЁТГАНЛАР

– Салкам 15 йилдан буён тақдир йўлларига шафқатсизларча ташлаб кетилган маъсум, бегуноҳ норасидалар бошида парвонаман, – дейди Тоҳира Исмоилова. – Баъзи хонадонларда йиллаб орзиқиб кутилган гўдак овози ўзга бир оилаларда орномус тоши остида бўғилиб, йўқлик сари итқитиб юборилади. Куни кеча бири-биридан ширин кичкинтойлар, 3 ёшлар чамасидаги Фотима-Ҳусанларни олиб келишди. Уларни милиция пунктига ташлаб кетишибди. Тўрхалтада кийимлари ҳам бор экан. Эҳ, уларнинг аҳволига ачинмаган одам қолмади. Олдиларига қўйилган овқатни ейишга ҳам мадорлари йўқ, ухлаб қолишди. Ювинтириб, тоза кийимлар кийдириб қўйилгач, мунчоқдек, ширингина болакайларни кўриб, ҳамманинг кўзига ёш келди. Наҳотки, тақдирнинг бундай ноёб тухфасидан бош тортадиган кимсалар ҳам бор?!

Ҳа, афсуски, улар орамизда тез-тез учраб туради. Акс ҳолда, 54 нафар ташландиқ болалар ўз оиласи бағрида бўлмасмиди? Уларга қараб туриб, кўз олдингизда турли қиёфалар пайдо бўлаверади: "билмайин босдим тиканни" дея оҳ ураётган, алданган қизлар, ҳою-ҳавасга тўймаган ҳузур-ҳаловат бандалари ёки "сен эмас, мен" дея ғурур қоясига чирмашиб, зурриётларини тирик етимга айлантираётган бадхулқ кимсалар...

– Бизда асосан етти кунлик чақалоқдан уч ёшгача бўлган гўдаклар тарбияланади, – дейди шифокор. – Уларнинг бизга келиб тушиш сабаблари ҳар хил: кимдир ёш умрини бола боқиб ўтказгиси келмайди, оналик бахтидан кўра маишатни хуш кўради, кимдир кўкраги остида тўққиз ой кўтариб юради-ю, туғилгач бошқаларга кўрсатолмайди, хатосининг мевасидан ўзи ҳам ор қилади. Айримлар оиласини сақлай олмай, ажрашишади-ю, бола ортиқча бўлиб қолади. Ажрашишнинг сабабига келганда, кўпинча "характерларимиз тўғри келмай қолди" ёки "қайнонам яшатмади", дея баҳона қилишади. Ҳақиқатан ҳам кўп ҳолларда қайноналар айбдордек туюлади. Лекин, келин бўлмиш қизойимлар ҳам ота-онасидан рисоладагидек тарбия кўрсалар, ўзга хонадоннинг пасту баландига қаноат қилсалар, бир оиланинг гуллаб-яшнашига хизмат қилувчи оқила уй бекалари бўлишарди.

Менинг ҳам икки келиним бор. "Ойижон" деган сўзларини эшитсам, яйраб, меҳрим товланиб кетади. Неварамнику, еру кўкка ишонмаймиз. Шундай пайтларда "Кичкинтой"даги болаларим ҳам кўз олдимдан ўтаверади. Ахир уларга ҳам она меҳри, оила тафти керак.

Ҳа, она меҳрига зор, ўксик қалбларга юпанч бўлиш осонмас. Лекин, тирноққа зор оилалар ҳам кўп-ку?!

– Тўғри, кўнгилдаги гапни айтдингиз, – дейди шифокор. – Болажонларимизни фарзандликка олиш истагида мурожаат қилувчиларнинг 80 фоизи бефарзанд оилалар. Одатда бизга келиб тушган болакайларнинг ота-она ва яқинларини бир йилгача кутамиз. Зора, оналик, оталик меҳри биз томонга етаклаб келса, деймиз. Аммо, камдан-кам ҳолларда ўз оналари олиб кетади. Яқинда эридан ажрашган бир келинчак 1,5 ёшли ўғилчасини ташлаб кетди. Ҳар қанча тушунтирсак ҳам фарзандидан воз кечиш ниятидан қайтмади. Лекин, эртасигаёқ хатосини тушуниб, боласини олиб кетди.

Ўз ота-онасига кераги бўлмай қолган мурғак вужудларнинг ишончли халоскори бор. Бу – Ўзбекистондек юрт, инсонпарварлик тамойиллари устувор давлат сиёсати. Меҳрибонлик уйида болалар учун муҳайё этилган барча шарт-шароит фикримиз далили.

"Энг обод меҳрибонлик уйи" республика кўрик-танлови ғолиби, тумандаги "Энг обод маскан" танловининг доимий совриндори бўлиб келаётган бу даргоҳнинг ҳали мақтаса арзигулик жиҳатлари, саховатли ҳомийлари бисёр. Боғу роғлар, гулзорлар, фавворалар, очиқ сув ҳавзалари болажонларнинг севимли маскани. Аммо, бунда нимадир етишмайди. Мана, икки болакайнинг суҳбатига қулоқ солинг-а:

«– Тарбиячи опамиз жуда яхшилар-а, Комила».

«– Ҳа, жуда меҳйибонла. Лекин ўзимнинг онажоним энг яхши-ла, улайни соғиндим...»

Мана, сизга жавоб. Ўша етишмаётган нарса оила, ота-она меҳри эканлигининг болажонлар тилидаги ифодаси.

– Биласизми, ўз боласидан воз кечаётган айрим кимсалар моддий етишмовчиликни рўкач қилишади, – дейди куюниб шифокор. – Лекин, камхарж оилалар қайтанга фарзандларини еру кўкка ишонишмайди. Яқинда усти боши башанг бир ёшгина аёл ўғлини ташлаб кетди. Сабаби етишмовчилик эмиш... Яна бошқа оилага бериб юбормаслигимизни таъкидлаб қўйиши кишини таажжубга солади. Нима бўлганда ҳам, бир йилдан кейин талабгор оилага бериб юборишимизни айтиб, инсофга келтирмоқчи бўлдик. Лекин, у барибир, ўғлини ташлаб кетди...

Ана шунақа гаплар. Аёл, Она – жамиятнинг гули, тараққиёт пойдевори дея улуғлаймиз. Аммо маънавиятимизнинг кемтикларига айланган ҳою-ҳавас бандаларига нима дейиш мумкин?! Уларни ҳеч қандай баҳоналар билан оқлаб бўлмайди. "Қайтар дунё" дейдилар. Кексайганда қаровсиз қолиш сабабларидан бири ёшликдаги бебошлик эканлигини унутмайлик, азизлар.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** Тоҳира Исмоилова.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

XXI аср ва ДУНЁ

## МУХОЛИФАТ ЭШИТТИРИШИ БЎҒИБ ҚЎЙИЛДИ

**Таиланд маъмурияти мухолифат PTV "Халқ телеканали" эшиттиришларини тўсиб қўйди. The Hation газетаси шу ҳақда хабар тарқатди.**

Телеканал "қизил кўйлаклилар"нинг Бангкокдаги норозилик акциялари муносабати билан ёпиб қўйилди. Бу норозилик 7 апрелда фавқулодда ҳолат эълон қилинганидан сўнг ҳам тўхтамади.

Газета маълумотларига қараганда, агар телеканал эшиттиришларини давом эттиришга уринса, унинг техникалари мусодара қилиниши мумкин. Ҳар ҳолда, маҳкаманинг баъзи аъзолари шундай таклиф киритаяптилар.

Мухолифат етакчилари телеканални дарҳол очиб қўйишни талаб қилмоқдалар. Акс ҳолда оқибати ёмон бўлишини айтиб, таҳдид солмоқдалар. Улар аслида, ҳозирги бош вазир Апхисит Ветчачиванинг истеъфога чиқишини, собиқ бош вазир Таксин Чинават лавозимига қайтарилишини талаб этмоқдалар.

Фавқулодда ҳолат эълон қилиниши билан мухолифат пойтахтда энг кучли намойиш уюштиришни ваъда қилди. 7 апрель оқшомидан Бангкокка "қизил кўйлаклилар" билан тўла юк машиналари оқиб кела бошлади.

## СОМОНИЙ ҚАДРСИЗЛАНИБ БОРАЯПТИ

**Тожикистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълум қилишича, йил бошидан инфляция 0,7 фоизга ўсди.**

Мамлакатда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 0,1-0,7 фоиз ошди. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 3 фоиз атрофида.

Тирикчилик учун харид қилинадиган бир ойлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми ўртача 90 сомонийга тўғри келди. Аслида эса, мақбул даражада овқатланиш учун камида 190 сомонийлик маҳсулот талаб этилади.

Мамлакат молия вазирлигининг тахминича, 2010 йилда инфляциянинг ўсиши 9 фоиз атрофида бўлади. Миллий валюта курси эса, бешга бир, яъни бир АҚШ долларига 5 сомоний тўғри келади.

## АМЕРИКА АСКАРИ ТУТҚИНЛИКДА

**"Толибон" ҳаракати жангарилари тутқинликдаги Америка аскари тасвирга туширилган видиоёзувни тарқатишди.**

BBC News агентлиги хабарига кўра, 24 ёшли Боуи Бергдал 2009 йил июнь ойида Афғонистондаги коалиция кучлари ҳарбий базасидан ўғирлаб кетилган эди. Видиотасвирда оддий аскар ўз мамлакати ҳукуматидан уни тутқинликдан қутқариб олишларини илтимос қилаётган вазият акс этган. Шунингдек, "Толибон" вакили тутқинликдаги аскарга айни вақтда асирда бўлган бир неча жангарини айирбошлашни талаб этаётган кўриниш ҳам видиотасвирдан ўрин олган.

Америка ҳарбийлари ўғирланган аскар қаерда сақланаётганини ҳанузгача аниқлай олмаяптилар. Аммо уни қайтаришлари учун мукофот ваъда қилинган.



Шимолдан кўчиб Жануб томон ҳаракатланаётган улкан Айсберг.

## ИНТЕРНЕТГА КИРИШ ВАҚТИНЧА КЕЧИКТИРИЛДИ

**Буюк Британия парламентининг қуйи палатаси телефон тармоқларига солиқ жорий этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқишни кейинга қолдирди.**

Ушбу солиқдан тушадиган маблағ мамлакат бутун аҳолисининг интернетга киришини таъминлашга йўналтирилиши керак эди. Парламент сайловларини 6 май куни ўтказиш белгиланганини муносабати билан ҳозирги қуйи палата ойнинг ўртасида тарқатиб юборилади. Шу боис парламент аъзолари бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқишни рад этишга қарор қилишди.

Янги солиқ жорий этиш режалаштирилаётганини мартнинг охирларида мамлакат бош вазири Гордон Браун эълон қилган эди. Лейбористларнинг сайловлардаги асосий мухолифатчилари бўлган консерваторлар бир неча марта янги солиқ жорий этилишига қарши чиққан эдилар. Аммо ҳар икки партия ҳам аҳолининг интернетга кириш ва ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни таъминлашни ваъда қилишмоқда. Буни одатдаги сайловолди саъй-ҳаракатлари сифатида изоҳлаш мумкин.

## ПОРА УЧУН ҲИБСГА ОЛИНДИ

**Исроил полицияси якка тартибда иморат қурувчи беш кишини ҳибсга олди. Улар қурилиш учун ер участкаси олиш мақсадида расмий шахсларга пора берганликда айбланмоқдалар.**

Jerusalet Post газетасининг ёзишича, ҳибсга олинганлар орасида Исроилнинг собиқ бош вазири Эхуд Ольмертнинг дўсти ва амалий шериги адвокат Ури Миссер ҳам бор. Тергов, жумладан, гумондорлар Қуддуснинг жануби-ғарбида Holyland компаниясининг кенг кўламдаги уй-жойлар мажмуасини барпо этишга рухсат олиш учун шаҳар муниципалитетининг юқори мансабли амалдорларини пора билан сотиб олганлар, дея тахмин қилмоқда.

Бўлиб ўтган тергов тингловларидан сўнг пойтахтнинг суд ҳокимияти вакиллари Holyland компанияси уй-жой қурилиши ҳақида кўрилаётган иш коррупция бўйича давом этаётган жанжалнинг кичик бир қисми эканлигини таъкидлашди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҲАНГОМА

## ШЎРТИК

Ҳар қандай янгиликнинг кириб келиши осон эмасда. У каттами-кичикми қурбонлик талаб этади. Мана, масалан, оддийгина шўртик – калта шимнинг қишлоғимизга кириб келиши учун Абдураҳмон ака бутун бошли битта шимини қурбон қилди.

Хуллас, Абдураҳмон акага шимнинг бели тўғри келдию, аммо бўйи тўрт энлик узун экан. Хотинига бу ҳақда арз-ҳол қилди.

Хотиннинг ҳам энди шимдан бошқа ташвиши йўқми? Икки куннинг бирида кимдир кўпайишади ёки келин тушириб, қиз чиқаради. Ака ҳам хотини қатламани ўраб, дастурхонни бошига қўйганда айтди-да, арзини.

– Қўйиб кетаверинг, ҳали келиб, қирқиб, буклаб қўярман. Бўлмаса, ҳозир қизингиз мактабдан келади, ўша тўғрилаб берар, – деб кўчага юрди.

– Шуни тўрт энлик қирқиб, буклаб бергин, жон қизим, – Абдураҳмон ака мактабдан келган қизига илтимос қилди.

– Вой, дадажон, тўгаракка боришимиз керак, дугоналарим кўчада кутиб туришибди, – деди қизи шимга қиё ҳам боқмай. – Келинойим уйдалар-ку, беринг, қирқиб, букиб беради.

Акамиз юракдан чиқариб "уфф!" дея, кўчага отланган қизининг орқасидан қараб қолди. Шу аснода қўшни уйдан келини чиқиб келди.

– Ҳа, дадажон, тинчликми? – деб сўради у.

– Шу шимни тўрт энлик қирқиб, буклаб берсангиз, – деди Абдураҳмон ака кўнгли сал ёришиб.

– Бўпти, менга беринг! – деб келин шимга қўлини чўзди.

Аммо шу пайт чақалоқнинг йиғлаган овози эшитилди. Келин чопганича уйига кириб кетди. Шим аканинг қўлида қолди. У шимни зарда билан сўрига отганча, тўйга равона бўлди.

Абдураҳмон ака жўнаб кетгач, келин шимни тўрт энли қирқиб, икки энли буклаб, жойига қўйибди.

Икки соат ўтиб, хотинлари йўқландидан келиб, дадаси шимимни тўғрилаб бергин деганди, дея тўрт энли кесиб, икки энли буклаб, бор маҳоратини кўрсатибди.

Камига тўгаракдан қайтган қизи ҳам...

Эртасига Абдураҳмон ака қишлоғимиз эркаклари ичида биринчи бўлиб шўртик – калта шимда кўчада пайдо бўлди.

**Олчин БЕК.**

## ЁШ ЧАВАНДОЗЛАР БАҲСИ

**Яккабоғ туманидаги "Қорабайир" отчопарида улоқ-кўпкари бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпионати бўлиб ўтди.**

Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилган мазкур мусобақада Тошкент шаҳри, Фарғона, Сирдарё, Наманган, Қашқадарё ва пойтахт вилоятларидан олтмиш нафар чавандоз ғолиблик учун куч синашди. Замонавий улоқ – кўпкари қоидалари асосида, қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда Тошкент вилояти чавандозлари мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Кейинги ўринлар Қашқадарё ҳамда Фарғона вилояти вакилларига насиб этди.

**А. МУҲАММАДИЕВ, ЎзА мухбири.**

РАССОМ ХАНДАСИ







Утерянный кадастр № 1006040302-5236-0001, выданный ГУРЗОиК на помещение по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, ул. Обирахмат, 1-берк кўчаси, д. 2 и свидетельство ТА № 0868659 на вышеуказанный кадастр, а также план прилагаемый к кадастру, выданные на имя Юлдашева Шерзода Хамитовича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный гувохнома о регистрации юридического лица № 001916 (реестр № 001916-04) от 23.05.2006г., выданный ООО "PRO-AQUA.UZ" (ИНН 206581527), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом № 933836 от 30.06.1989г., выданный Мирабадским транспортным СПТУ № 30 на имя Болдырова Андрея Владимировича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

"VALENSIO-TRADE" хусусий корхонаси "VALENSIO-TRADE" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади. "VALENSIO-TRADE" МЧЖ аввал Сергели тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 06.01.2010 йилда 002367-06-сонли реестр рақам билан рўйхатга олинган "VALENSIO-TRADE" хусусий корхонасининг ҳуқуқий вориси ва барча мажбуриятлари олдида жавобгар ҳисобланади. Тел.: 915-13-95.

"TONG GULI" хусусий корхонасининг "Тошкент ҳақиқати" газетаси 2009 йил 11 ноябрдаги № 90-сонида чоп этилган эълонига қўшимча: Ҳамза туман ҳокимининг 1999 йил 17 майдаги 805-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган, Ҳамза тумани, Шолохов кўчаси, 9-уй манзилида жойлашган "TONG GULI" хусусий корхонаси (СТИР 200837828) **ТУГАТИЛАДИ.**

Ҳамза тумани, Шолохов кўчаси, 9-уй манзилда жойлашган "TONG GULI" хусусий корхонасининг (СТИР 200837828) устави ва Ҳамза туман ҳокимининг 1999 йил 17 майдаги 805-сонли қарорига асосан берилган далолатномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 10207. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 2 3 4 5